

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

КЕЙИНГИ йилларда ҳаётимизда катта-катта ижобий силжишлар бўлаётир. Ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида белгилаб қўйилган марралар шараф билан эгалланяпти. Давлат ишларида олдий меҳнаткашлар иштироки тобора кенгаймоқда. Бу ўринда маҳаллий ҳокимият органлари, халқ сайлаб қўйган вакиллари — депутатлар фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

КПСС Программаси ва партия XXIV съезди Директиваларида белгиланган экономика, маданий қурилиш ва

ижтимоий ҳаёт соҳасидаги улуғвор вазифаларни ҳал этишда депутатларнинг ролини янада ошириш мақсадида «СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларнинг статуси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Совет кишиларнинг меҳрибон ғамхўри — депутатлар аввало уларни маҳаллий ҳокимият органларига сайлаб қўйган кишилар ҳақида қайғурдилар.

Навбатдаги бу саҳифамизда уларнинг шу кунлардаги фаолиятлари билан танишасиз.

КОММУНИСТИК меҳнат зарбдори Мавжуда Ризаеванинг Тошкент абразма комбинатида ишлаётганга ўн йилдан ошди. У шу давр ичда социалистик мусобақа йлгори сифатида кўпгина шогирдлар еттиштирди. Мавжуда Тошкент шаҳар Советининг депутаты ҳамдир. М. Ризаева ишда илгор бўлиш билан бирга сайловчилардан тушган нақзаларни ҳам доимо бажариб келаётир. Суратда: А. Ризаева.

М. Нуриддинов фотоси.

А Н И Қ МАҚСАД

ЧИРЧИҚ МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРИНИНГ ИШИДАГИ МУҲИМ ЮНАЛИШ

«КЕЛАСИ сафар бутун оиламиз билан келамиз». «Жуда яхши ҳордиқ чиқардик». «Жуда қизик бўлди».

Кўш орденли Чирчиқ электротехника комбинатининг меҳнат саройига келган кўп сонли томошабинлар ўз дил сўзларини ана шундай ифода этишди.

Бу маданият саройида хилма-хил тадбирлар ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш билан узвий боғлаб олиб борилади. Беш йиллик планларини мўддатидан аввал бажаришга сафарбар қилувчи энг яхши кўрсаткичлар, илгор тақрибга кенг тарғиб қилинади.

Бир мисол. Комбинат ишчи-хизматчилари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги шарафига вахтада туриб ишлаганларида қатор дам олиш кечалари уюштирилди. «Меҳнатга шон-шараф», «Пешқадмлар, сизлар учун», «Бирон киши ҳам сафдан ортада қолмасин», «Беш йиллик ва биз деб номланган тематик кечалар ана шундай жумласидendir. Шунингдек, «Узбекистон, ўз касбияни соғаман» деган тематик кеча ва кўрик-конкурслар ўтказилди. Ана шундай кечаларда меҳнат ветеранлари ёшлар билан қизқарил суҳбатлар ўтказилди. Мустиқил ҳаётга дастлабки қадамни қўётган ёшларда бундай кечалар чуқур таъсирот қолдириди.

Ишчи коллективларига ёшларни қабул қилиш маросимлари улар қалбига ўчмас эз қолдиради. Ишга кирётганлар тантанали вазиёта ветеранларга «Меҳнат тавдиряси» шўҳратига шўҳрат қўшиш, оталар ишончини шараф билан оқлашга ваъда бериш япти. Булардан ташқари «Биринчи маоша», «Йил марта ишчилик разрядини олиш» каби маросимлар борки, улар узок вақт эсда қолди.

Буларнинг ҳаммаси маданият муассасаси иш тажрибасини ҳар рақатларига асос бўла оладиган факторлардан бириларми, ҳоло-Маданият саройининг фаолияти эса кўп кичиралидир. Саноат тобора юксалаётган бизнинг Чирчиқда маданий-оқарта ишлари билан бир эмас, учта маданият саройи, учта маданият уйи, иккита клуб, иккита маданият ва истрохот боғи шўғулланган. 24 оммавий кутубхона, иккита қишлоқ ва ўн битта ёғи кинотеатр, ўлкашўнослик музейи ва бошқа маърифат масканлари ўз имкониятлари даражасида иш олиб боришляпти.

Шахримиз маданий ҳордиқ ташкилотчилари ўз ишларини ижодий ташкил этиб, ўтказилган тадбирлар мақсадини бир нуқтага йўналиштиришляпти. Маданият ўчоғига келган томошабиннинг биринчи навбатда у меҳнат

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети маданий-оқарта муассасаларининг фаолиятини планлаштириш ва тақомиллаштириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, тармоқларини кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларига катта диққат-эътибор бермоқда. Бу масалалар сессияларда, иккунчи комитет мажлисларида кўп тартибга қўйилмоқда. Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳақидаги меҳнаткашлар дам олишнинг янада яхшироқ ташкил этиш, аҳолига кино хизматини ахшироқ таъминлаш, маданият фахрий гражданилар билан ёшларнинг учрашуви, ишда чикариш илгорларига қолтин қўлиш усталар» гувоҳномаларини топириш, металлургия саройида «Ўзбекистон — Октябр фарзанди», «Ватани меҳнатимиз билан шарафлаймиз», «Агар қалб бизга буюрсин» каби тематик кечалар, кутубхоналарда «Каслор бўйлаб саёхат», «Ҳамма ҳунар ахши, ёққанини тана», «Меҳнат романтикаси» мавзулариди китоб выставалари ташкил этиш, клубларимиз ва шаҳар газелида ёнимилар, металлургия, бинокорлар ва бошқа касб вакилларининг ўз байрамларини ўтказишлари одат тусига кириб қолган.

Шаҳар маданият ўчоқлари бундан бун ҳам шу йўналишдаги ишларини янада тараққий эттиришлари, маданий-оқарта ишлари формаларини, янги тақрибларини тобора бойитишлари, меҳнат кишилари дам олишнинг тағин ҳам мазмунли ташкил этишлари керак.

А. ГАЛОЧКИН,
Чирчиқ шаҳар иккунчи комитети раисининг ўринбосари.

ОММА ИШТИРОКИДА

МАҲАЛЛИЙ ҳокимият органлари уларининг ҳўжалик ва социал-маданий қурилиш борасидаги фаолиятларини бевосита кенг омма иштирокида амалга ошираётирлар. Кейинги йилларда меҳнаткашларнинг Советлари ишга жалб этилишнинг ринг-баранг формаларида фойдаланилмоқда.

Жамоатчилик асосида ташкил топган бундай органлар билан иккунчи комитетлар, уларнинг бўлимлари, доимий комиссиялар, депутатларнинг мустаҳкам алоқаси жуда кўп проблемаларни ҳал этишда муҳим роль ўйнаётир. Тошкент шаҳар ва район Советларининг иш тажрибаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Республикамиз пойтахтида 110 минг нафар кишини ўз бағрига олган ота-оналар комитетлари, халқ контроли гуруҳлари, ўртоқлик судлари, қўшналик халқ дружиначилари, ёшлар советлари, клублар советлари, пушнингдек бошқа қўшналик ташкилотлардан иборат жуда катта актив иш олиб бормоқда. Шаҳарда 700 дан кўпроқ маҳалла ва уй комитетлари мавжуд. Бу ташкилотлар район иккунчи комитетлари ва доимий комиссиялар билан ҳамкорликда маданий-тарбиявий тадбирларни амалга ошириш, шаҳарни ободонлаштириш, озодалик ойлқларини ташкил этиш ишларида алоҳида ташаббус кўрсатишляпти.

Собир Раҳимов райони территориясида ҳеч қандай капитал маблаг сарфламаган ҳолда унлаб бинолар қурийдик, улардан клублар, чойхоналар, магазинлар, медицина пунктлари, алоқа бўлимлари сифатида фойдаланилмоқда. Бундай илгор ташаббусни Октябр, Киров районларида ҳам кўриш мумкин.

«Йигирич» маҳалласида лекциялар, суҳбатлар, тематик кечалар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Маҳалла комитети Герман Титов номли 96-мактаб коллективин билан биргаликда ҳўқуқ билимлари бўйича халқ унiversитетини ташкил этган. Олимлар, юристлар, ёзувчилар тингловчилар учун бевосита шу маҳалла ҳаётидан олдин фактлар билан бойитилган суҳбатлар уюштиришляпти.

Яқинда «Тўрткўрғон» маҳалласида иккунчи йиллик маданий халқ унiversитетини биттиришчиларнинг кечаси бўлиб ўтди. 120 нафар тингловчида унiversитетини биттирилганлиги тўғрисида гувоҳнома топириди.

Халқ контроли гуруҳлари ва постларининг ҳўжалик ва маданий қурилиш борасидаги ишлари беёнесир. Ўлар ҳўжаёсизликка, талош-тороқликка, меҳнат пизогонини, социалистик қонуничиликни бузувчиларга қарши актив иш олиб боришляпти. Қўшнингч райондаги халқ назоратчиларининг иш практикаси диққатга сазовор. Ҳозирги пайтда районда 579 халқ назоратчилари гуруҳлари ва постлари мавжуд бўлиб, уларнинг саёида 5500 киши фаолият кўрсатаётир. Айниқса кабель заводи, устки трикотаж фабрикаси, 6-таксомотор парк сингари корхоналарнинг халқ назоратчилари ўз активликлари билан бошқалардан ажралиб турадилар.

Тошкент авиация заводида халқ назоратчилари хом ашё, электр энергиясини тежаш

борасида ташаббус кўрсатдилар. Ана шу масала юзасидан қуриқлар ўтказилди, ҳар бир цех, бригада, смена орасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Натижада кўп-лаб энергия тежасди, меҳнат унумдорлиги янада ортди.

Биз кўпичта олда билан мактабнинг ҳамкорлиги ҳақида сўз юритаемиз. Бу беёиз эмас, албатта. Каерда ота-оналар комитетлари ушўқонлик билан иш олиб бораётган бўлсалар, ўша ердаги мактабларда тарбия ва билим бериш масаласи ҳам тўғри йўлга қўйилганлигини ҳаёт аллақачон исботлаган. Ота-оналар комитетлари мактаблар билан биринчи ремонт қилиш, бодаларнинг ёғи дам олишларини ташкил этиш сингари масалаларини ҳал қилишда катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

«Ёкин шўни ҳам айтиш керакики, ҳамма жойда ҳам жамоатчилик асосида вужудга келган ташкилотлар раҳбарлик талаблари даражасида олиб бориляпти, деб бўлмайди. Айниқса иккунчи комитетлар, доимий комиссиялар бундай ташкилотлар ишига кўпичта бефарқ қарамонқдалар. Бундай ташкилотлар билан иш олиб боришда илгор тажрибани оммалаштиришга етарли эътибор берилмайди. Натижада кўпичта жамоатчи ташкилотлар бир-бири билан алоқадор бўлмаган ҳолда иш олиб бораётирлар.

Корхона ва ташкилотларда яна шундай бир жамоатчи ташкилот борки, унинг ишига алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Гап «Комсомол проектор»и ҳақида бормоқда. Уларнинг кўчи билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, социалистик мусобақани янада ушўқонлик билан йўлга қўйиш мумкин. Кўпгина корхоналарда «Комсомол проектор»и ёрдамида мақсулот сифатини ошириш, тежамкорликка, меҳнат иттизоини мустаҳкамлаш, меҳнатини пилний асосда ташкил этишга, ишчиларга юксак маданият-маиший хизмат кўрсатишга эришилмоқда. Ана шу тажрибани янада кенг ёйиш меҳнаткашлар депутатлари Советларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Советларнинг роли ҳартомонлама ортиб бораётган, уларнинг коммунистни қурилиш борасидаги ишларига катта баҳо берилаётган бир пайтда жамоатчилик асосида вужудга келган органлар соҳини янада кенгайтириш ва обрўсини мустаҳкамлаб бориш зарур. Советлар баёиз бир расмиятчилик ишларига кескин барҳам беришлари керак.

Партия XXIV съездида социалистик демократиянинг асосий мазмунини мамлакатни бошқариш, жамоат ишларини бошқаришда келтирилган асосий ишчиликнинг ишчиликнинг алоҳида таъкидланди. Бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашларнинг мунтазам ўсиб бораётган ташаббуси коммунизм қурилишига хизмат қилади. Бундай демократия ҳаёт талабидир, социал ижтимоий муносабатларини мустаҳкамлаш ва тараққий эттиришдаги муҳим омилдир.

К. КОМИЛОВ,
юридик фанлари доктори, Тошкент об-ласть иккунчи комитети ҳузуридаги совет қурилиш назарисы ва практикаси бў-йича кенгаш аъоси.



САЙЛОВЧИЛАР НАҚАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР беш йиллиги совхозин посёлкалари қундан-қунга обод бўлиб бормоқда. Энг четдаги аҳоли яшаш пунктн — «Олмачи» совхоз маркази билан кенг, равои йўл орқали боғланди. «Дустлик» бўлимида қишлоқ ўқитувчилари ўқув машғулотларини янги ўрта мактаб биносида олиб бормоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси сайловчилар нақазлари асосида амалга оширилди. Халқ вакиллари нақазларининг балқарилишини диққат билан кузатиб боришляпти. Уларнинг ёрдами билан совхоз ишчилари, улар оилалари маиший аҳолини яхшилади. Фўтбол командаси ташкил қилинган. Оғир ва енгил атлетика, велоспорт, кураш ва бошқа секцияларда шўғулланиш учун қудай имкониятлар мавжуд.

Депутатлар ўз сайловчиларини олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб турибдилар. Сессияларда қабул қилинган қарорлар билан таъинштириб бормоқдалар.

М. НОМЗОВА.

КОЛХОЗДА ПОСЁЛКА БЎЛАДИ

Қўни Чирчиқ районидида Свердлов номли колхоза экономика йилдан-йилга юксалаётир. Колхоз қишлоғининг қиёфаси гўзаллашмоқда. Аҳоли сонин ҳам ортиб боришти. Шуларнинг ҳисобга олиб, колхозчилар, Благоевщенское қишлоғининг аҳолиси бу ерда шаҳар типлидаги посёлка бунёд этишга қарор қилидилар.

Шу муносабат билан яқинда кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Митингдан сўнг булжаляк шаҳарча марказий қўшналик уюшмасида четига чинор қўчатлари ўтказилди. Дастлабки ишхоналарни табаркур ёшдаги пенсионерлар, колхоз тузумининг ветеранлари Ч. Қўлатов, Марамов, Саидалиев, Билолов, ўртоқлар ўтказдилар.

Колхоз шаҳарчасига «Минг-чирчиқ» деб ном берилади.

Х. РАҲМАТОВ,
район партия комитетининг инструктори.

Кейинги йиллар ичда маҳаллий Советлар иккунчи комитетлари, доимий комиссияларининг ишлари таъкил этишдаги активлиги кўчалди. Бу эса беш йиллик туртинчи йили халқ ҳўжалик планлари ва мажбуриятлари ортиги билан ало этилишда муҳим роль ўйналяпти.

Область Советининг доимий комиссиялари область иккунчи комитети билан ҳамкорликда иш олиб бориб, халқ ҳўжалигини турини ошғаларида ички резервларини ишга солишда, экономика ва маданияти юксалтиришда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Доимий комиссиялар маҳаллий Советларининг оммавий органлари ҳисобланади. Ўлар маҳаллий Советларга ўз зиммаларидаги вазифаларини бажариш, план ва топшириқларини мўддатидан илгари ало этиш ишларига қўмақлашадилар. Бундай комиссиялар составига иккунчи комитет аъзоларидан ташқари барча депутатлар сайланадилар. Областимиз иккунчи комитетини қошида 17 доимий комиссия ташкил этилган бўлиб, улар составида 321 депутат бор.

Доимий комиссиялар ўз ишларини аниқ план асосида олиб борадилар. Иккунчи комитет илб бошда доимий комиссиялар раҳбарларини йигиб, перспектив планга ало масалалар юзасидан маслаҳатлашди олади. Область иккунчи комитетини ҳар йили перспектив ва квартал планларини тасдиқлаш вақтида доимий комиссияларнинг жорий планлари билан қизиқади. Иккунчи комитет доимий комиссияларнинг жорий планларини инобатга олади ва иккунчи планларини тузишда унинг тақорланмаслигига эътибор беради.

Область иккунчи комитетини доимий комиссияларга ҳамма ерда бериб боради. Айниқса, иккунчи таъкириш, Совет сессиялари мажбуриятлар таъйирлаш вақтида уларга йўл-йўриқлар кўрсатади. Шўни айтиш керакики, область Советининг доимий комиссиялари ўзларига тегишли бўлган таъкириш, бошқармалар ва му-таассислар билан биргаликда иккунчи комитет мажлисига маса-

лар таъйирлашда катта ташаббус кўрсатадилар. Хўсусан, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, социалистик қонуничилик ва жамоат тартибини сақлаш, физкультура ва мудофаа ишлари, маориф, ирригация ва мелiorация, план-бюджет, қурилиш, соғлиқни сақлаш доимий комиссиялари ана шундай ҳамкорлик йўли билан иккунчи комитет мажлисига турли масалаларни таъйирладилар. Сўз-сўз, бундай активлик депутатларини ишчиларнинг, тадбирдорларини, маъсулиятини оширади.

XIV мадрий область Советининг депутатлари ўз сайлов участкаларидаги сайловчилар олдида умумлаштириб, иккунчи комитет мажлисларига таъдим этиладилар. Сўнгра махсус қарор қабул қилиниб, тақлифларни иккунчи етишга қилишляпти. Навбатдаги сессияда эса ана шу қарорнинг иккунчи тўрсида депутатларга маълум қилинади.

Бу жиҳатдан олганда қишлоқ ҳўжалик бўйича доимий комиссиянинг иш диққатга сазовордир. Комиссияга Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтининг ректори, профессор А. И. Имомалиев раислик қилади. Комиссия аъзолари кўпгина жойларда ерда фойдаланиш қонуничилигига ҳилоф иш тутиладиган ҳолатларни аниқлаб, область Советининг иккунчи комитетининг сессиясида қарор қабул қилинади.

Йилига иккунчи мартадан ҳисоб берилляпти. Бундай вақтда область Советининг иккунчи комитетини барча депутатларини тегишли матулотлар билан таъминляпти.

Депутатлар сайловчилар олдида ҳисоб берилганлардан сўнг бу ҳақида иккунчи комитетини хабардор қилинади. Иккунчи комитет аёна шу ахборотга кўра тегишли мулоҳаза ва тақлифларни ҳисобга олганда йўл-йўриқлар таъкил этилган. Бу тақлифлар, шўнингдек депутатларнинг сессияларда айтган мулоҳазалари,

тегига маълум қилишди. Область Советининг сессиясида комиссиянинг тақлифига мувофиқ, Меҳнаткашлар депутатлари область маҳаллий Советларининг колхоз Уставига риқоз қилиш устидан назоратини бўйича иш тўғрисидаги масала қўриб қилинди. Бу сессияда область иккунчи комитетини раисининг ўринбосари С. Т. Тошқолов доклады, шўнингдек доимий комиссия раиси А. И. Имомалиевнинг қўшимча доклады тинг-ляпти.

Музокараларда кўпгина депу-

районида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларини текшириш вақтида ўз аъзоларидан ташқари мутахассислар ва активларнинг кенг доирасини жалб қилди.

Доимий комиссияларнинг активлиги ҳақида гап борар экан, айниқса Янгйўл шаҳар партия комитетининг биринчи қилаётган Б. И. Ризаёв раислик қилаётган коммунал ҳўжалик ва ободонлаштириш, область партия комитетини қурилиш бўлимининг мудири Н. А. Масленников раислик қилаётган қурилиш бўйича доимий

комиссияларнинг ишини ҳам мамнуният билан тилга олса арзийди. Ўлар ўз комиссия аъзолари билан учрашувлар вақтида доимий комиссиялар аъзоларининг фаолиятини бўйича ҳисобот тингладилар, уларга топиририлган вазифаларнинг иккунчи назорат қилинади. Албатта, бундай иш усули депутатларда ишчанлик ва активлигини оширади, ташаббускорликни кучайтиради.

Доимий комиссиялар кенгашларида район ва шаҳар Советлари иккунчи комитетлари, бошқармалари, ҳўжалиқлар раҳбарларининг турли масалалар бўйича доклад-

лари муҳокама қилинади. Масалан, область коммунал ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи М. М. Мирхўжаевнинг область шаҳар ҳамада «посёлкаларида иссиқлик билан таъминлашнинг объектларини қишга таъйирларини, «Таш-волонан» бошқармаси бошлиғи Б. Назаровнинг шаҳарлар ва районлар марказларида водопровод ҳамда канализация тармоқларини кенгайтириш тадбирларини тўғрисидаги докладлари муҳокама қилинди. Доимий комиссияларга масалалар юзасидан тегишли таъсияномалар қабул қилилди.

Комиссиялар ўтказаятган йиги-лишлар вақтида иккунчи комитетлар, министрликлар ёни турли корхоналар раҳбарларининг иштироки ҳал этилаётган масаланинг иккунчи алоқа олишда катта ёрдам бермоқда. Шўнингдек, иккунчи комитет Совет сессиялари вақтида доимий комиссиялар ҳисоботини тинглаш усулидан ҳам фойдаланаётир. Масалан, Совет-да аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, социалистик қонуничилик ҳамда жамоат тартибини сақлаш бўйича доимий комиссияларнинг ҳисоботи тингланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Иккунчи комитетнинг доимий комиссиялар билан ишлашдаги бундай ҳамкорлиги область ҳўжалик планларини ошириб бажариш, маҳаллий Советлар иш фаолиятини янада активлаштиришда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Қ. ТЎРСУНОВ,
область иккунчи комитетини ташкилий-инструкторлик бў-лимни мудирининг ўринбосари.

ЖОЗИБАЛИ ПОЛОТНОЛАР

Пойтахт шахримизнинг учта кўрғазма залида Ўзбекистон рассомлари асарларининг республика кўриги намойиш қилинмоқда. Бу кўрғазмада кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган Ўзбекистон санъати ҳар томонлама кенг ва тўлиқ кўрсатилган.

Республика рассомлари асарлари кўригини бир-икки кўрган билан қаноатланмайсан. Унда шундай алоҳида асарлар борки, кўрган сайиш кўригини келтиривери. Ҳар сафар илгари кўрилмаган янги дйраларини илгисиз.

Бу кўрғазма оддиниларидан шу билан фарқ қиладики, у санъатимиз йўли ҳақида кенг ёнқираш учун бой материал беради. Заллар бўйлаб айлансангиз қизиларни, жозибдор ва ранг-баранг асарларни кўрасиз. Кейинги йилларда яратилган республикамиз мўйиналам Усталари ва ўйнамкорлари асарлари бадиий-эстетик йўналишнинг аниқлиги ҳамда графикалик паросининг етуқлиги билан эътиборга сазовордир.

Жумладан, Ленин образини яратилган мураккаблини масъулиятли тўла ҳис қилиб ёндошган Н. Қўзибоев, Н. Абдуллаев, Н. Қашша, В. Фадиев, Қ. Баширов ва бошқалар ўз

асарларида дохиймиз сиймосини тасвирлаб революцион пролетариат курашида Лениннинг жаҳоншумул тарихий ролини юксак парос билан акс эттирганилар.

Тасвирий санъатда ҳамма вақт тарихий-революцион тема асосий ўринни эгаллаб келди, бинобарин, айниқса, кейинги пайтларда унга қизиқиш янада кучайди. Жаннинг қийин ва мураккаблини қарамасдан, тарихий темага ёш ижодкорлар ҳам ҳади кўла урмоқдалар. Ўз навбатида бу ёшларнинг ижода ва санъатдаги графикалик дунёларини атайлашда, ўз йўлини тўғри тайлаб олишда ердан беради. Хусусан Р. Вико («Ўзбекистонга «Халқлар дўстлиги» ордени топириш»), Г. Абдурахмонов («Ичкиқўб тантанаси»), А. Петров, В. Нечаев («Регистон устида байроқ» каби ёш рассомлар мунаффақият билан ана шу тарихий темани мўйиналамга олганлар.

Г. Абдурахмонов ва В. Нечаев асарларида ниқилоб тантанаси учун кураш ҳақидаги фикр бир-бирига ўхшамасдан, ранг-баранг тарзда, Ленин маъмулан бир мақсадга бўйсундирилган ҳолда тасвирланган. Ички қизил аскар ва кўнгилли халқ қўшини ҳиллаб турган Қизил байроқ остида революция талабсини тантана қилмоқда.

Замонавий темаларда асарларида ҳаёт алоҳида меҳр билан акс эттирилган. Кўрғазмада халқ ҳаётидаги байрам лавҳалари ифодалиган рассомлар кини диққатини ўзига тортади. Жумладан, Р. Чориевнинг «Сурхондарё болалари», А. Мирзаевнинг «Тўй», В. Зеликовнинг «Самарқанд — дўстлик шаҳри» асарлари шодлик дамлари ўз ифодасини топади.

Г. Чернухиннинг «Ер ҳақида» триптичи манзарали ва гўвал, қўлалиги бўлган ҳамда ритми

мақсадга мувофиқдир. Рассом ўз ишига меҳр билан ёндошган «оқ олтин» ўлкасининг табиий бойлигини ҳамда одамларнинг миллий образини ўзига хос равишда бўёқларга кўчирган. Бу асар бир қарашда оддий, байрамона манзарара кўзга ташланса ҳам, узоқ тикилиб қолтишга мажбур этади.

Замонавий тема ва уни санъатда баркамол ёритиб бериш санъаткорлар учун муҳим вазифа эди, бундан кейин ҳам ижода асосий масала бўлиб қолаверади. Шу йиқатдан олганда М. Саидов, Р. Аҳмедов, В. Қовнин, А. Абдуллаев, В. Набиев ва бошқаларнинг портретлари ўзига хослини билан ажралади. Уларда республикамиздаги илгори қишларнинг образлари яратилган. Р. Аҳмедов ўз портретларидан исон психологиясини, мураккаб ички дунёсини кўкур оқиб беришга қатта эътибор беради. Айниқса, у сурхондарёлик бритадир аёл портретини алоҳида меҳр ва иштиқ билан ишлаган.

Шунингдек, кўрғазмада чизма расми санъаткорлари ҳам мунаффақият билан иштирок этган. Рассомлардан Қ. Баширов, А. Циглиниев, Г. Чигалов, Э. Юхунов, М. Содинов, ва бошқалар тарихий-революцион замонавий темаларни қамраб олган тематик туркумлардан ўринли фойдаланганлар. Халқаларошлар ҳамда бадиий кулолчилик усталарининг хилма-хил ишлари ҳам кўрғазмадан жой олган бўлиб, томошабинлар таассуротини бойитади.

Республикада уюштирилаётган ҳар бир рассомлар кўрғазмаси у ёки бу даражадаги асарларини йиғиндига ибора қилиб қолётгани йўқ. Уларда ранг-баранг, кўп қиррали асарлар намойиш этилиб, ўз характерига эга бўлган асосий бир санъат гушани намойиш беради. Бу сафарги республика рассомлари кўрғазмаси ҳам худди шу жоли тасвирий санъат дунёсини ўзига муҳасамалаштирган, томошабинларга тўғаймас илҳом ва ҳаётга муҳаббат уйғотувчи кучга эга бўлган гўзаллик оламидир, десан, янги-шимайми.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
санъатшунос.

СЕКУНДИГА 350 МИНГ ОПЕРАЦИЯ

Ўрта Осиё регионал илмий-тадқиқот институтининг ҳисоблаш марказида электрон-ҳисоблаш машинаси системасини комплекс солаш бошланди. Электрон-ҳисоблаш машинаси секундига 350 минг операцияни бажара олади. Ушга тушгани билан метеорологлар оғирни енгил бўлади, халқ ҳўжалиги қатта фойда олади. ЭВМни 1975 йилнинг март-апрель ойларида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Ш. АЛИМОВ.

ҚУРУВЧИЛАР СОВРАСИ

«Москва» колхози қорвдорлари СССР Конституциясини кўни арафасида қурувчилардан ажойиб сўра олдирди. Қўл тул бунёдкорлар уларга ҳар йили тўрт хонадан иборат замонавий 11 та уйни фойдаланиш учун топиридилар.

Солдатское посёлоксига эса миллий таомлар ошхонаси қуриб битказилди. Янги ошхона бир йўла 100 ҳўрандага хўзмет қила олади.

С. МУСТАФОВЕВ.

ФАРҒОНА област

Риштон райони кўлолчилари азалдан машҳур. Айниқса палов учун тайёрланган лаганлар омма эътиборини қозонди. Яқинда Риштон бадиий кўлолчилиги заводида идиш-товоклар ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини жорий этилди. Бу йил заводда икки миллион дона маҳсулот тайёрланди. Шундан салкам 20 минг Франция ва Чехословакияга жўнатилди. Суратда: технолог Муаззам Тошматова завод маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Г. Бойко фотоси,
ТАСС фотохроникаси.



НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Серқўш республикамиз пойтахти кўн сайи обод ва кўркам бўлиб, аҳолисининг сони ҳам ўсиб бораётир. Пойтахтликларга маданий-мансий хўзмет кўрсатиш борасида бизнинг такоспар коллективининг ҳам мўносиб ҳиссаси бор.

Бирор ерга бориш учун шод бўлиб турган пайтида, зарур иш билан олисроқ жойларга ошқайтганида янги чироқни ёқиб келган такси машинасига ўтириб, манзилга белгиланган вақтда етиб бориш қандай яхши! Ленин, мама шундай тез, намунали хўзмати йўлга қўйишнинг бир қатор ўзига хос қўйишчиликлар бор. Жумладан, машиналарни парда техник қаровдан ўтказиш, бузилган-синган жойларини қисқа

муддатда сифатли ремонтдан чиқариш... Биз бор борада анчагина ишлар қилидик. Жумладан, автомобилларни дастлабки профилактик ремонт қилиш, техник қаровдан ўтказиш учун ўндан ортиқ электромеханик кўтаргич ишга туширилди. Бу осломалар ўрнатилмасдан олдин юқоридан ишларни амалга ошириш учун битта автомобильга 8 соат вақт сарфланар эди. Энди эса бу муддат 6 соатни ташкил этади. Шунингдек, икки томондаги гилдиракларнинг аниқ параллеллигини ўлчайдиган замонавий станоклар ўрнатилди. Бу эса автомобиль ишналари иш муддатини анчага узайтиради.

Паркингда рационализаторлик ва иxtиरोчилик таклифла-

рини жорий этишга алоҳида эътибор билан қаралади. Тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилида 25 рационализаторлик таклифи амалга оширилди. Натижада корхонамиз йилига минглаб сўмлик фойда қўради. Айниқса Л. Осипов, С. Собиров, В. Лис, Я. Сенатовсини наби новаторларнинг таклифлари яхши натижалар бермоқда.

Коллективимизда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Кўн сайи мусобақа илгорлари кўпаймоқда. Ҳалиб чинқанлар ҳар ойда моддий ва маънавий рағбатлантириб турилади.

— Юбилей йилининг ўн ойлик плани муваффақиятли бажарилди. Ёнигидан тежаб-

тергаб фойдаланиш натижасида 20 минг литр бензин иқтисод қилинди. Бунда тажрибали, моҳир ҳайдовчилар С. Савеличев, Т. Шукуров, А. Иброхимов набиларнинг ҳиссаси қатта.

Таксонпарда 500 та автомобиль бўлиб, ҳар кўни уларнинг 450 таси шахримиз кўчаларида йўловчиларга хўзмет кўрсатмоқда. Коллективимиз 1974 йил план топириқларини 21 декабрда бажариш ва аҳолига белгиланганидан анча кўп таксиз хўзмати кўрсатиш учун барча имкониётлардан фойдаланиб меҳнат қилмоқда.

О. НИЕЗОВ,
5-таксонпарк ҳайдовчиси.

АНГРЕН ЯНГИЛИКЛАРИ

ШУҲРАТЛИ КИШИЛАР

Шаҳарнинг «Меҳнат шўҳрати китоби» саҳифалари ҳар кварталда янги коллективлар, янги зарбдор ишчилар ҳисобига тўлиб бормоқда. Бу китобга социалистик мусобақада гўлиб чиққан корхоналар, сменалар, бригадалар ҳамда африм кишиларнинг номлари ёзилди.

Ўтган кварталдаги социалистик мусобақа якунлари бўйича янги шўҳрат эгалари аниқланди. «Среднеустьинский» комбинатининг Ангрендаги 9-шахта коллективни бу гал навбатдаги улкан галабани кўлга киритди. Баҳадир қочилар квартал лавҳаларини муддатидан анча олдин адо этишди. Бу коллектив диплома ҳам топирилади.

«Ташкентгеология» трестини Шарқий-Қўрама геология экспедициясининг проҳодчилар бригадирини Тоғай Ортиқов «Ангрени» рапорт эквивалентчилар бригадирини Сафар Хиллатов, керамиза комбинатининг илгирис Шерали Сафаралевлар ҳам «Меҳнат шўҳрати китоби»га ёзилдилар. Уларга, шунингдек, мусобақа гўлиб тўғхонамалари таъдид этилди.

ПЕШҚАДАМ НУРЧИЛАР

Ангрени ГРСининг нурчилари тўққизинчи беш йилликнинг аниқловчи йилида ҳар қанчогидан ҳам самарали меҳнат қилишмоқда. Кўзи чекимини қозон машинасини Ф. Туреубоев турбина пехининг старший машинистини Я. Тихоновлар, электромонтер А. Эпичаевлар, коллективнинг фахри ҳисобланган. Бу пешқадам нурчилар анималарига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этиб, ҳозирги кунларда келгуси йил ҳисобига ишлашяпти.

ВАНИЛИН ХОСИЯТИ

Мороженое, торт, хилма-хил ширинчиликларнинг хўштам ва хўшбўй бўлиши учун уларга алоҳида ваниль қўшилади. Хўш ванилининг ўзи нима?

Ванилин аслида Марказий Америкада ўсувчи ваниль дарахтининг маҳсули бўлиб, бу ўсимлик ариқчага ўхшаш лиана каби чангалзорларда бошқа дарахтларга ўрналиб ўсади. Унинг гуллари қатта-қатта бўлиб, яшил-сарил тусда, жуда чиройли очилади. Фақат бир кўн давомидангина очилиб турадиган бу гуллари асарларилар эмас, қоллири деб аталдиган кўшлар чанглади. Шундан сўнг гўл мевага айланлиб, гаримдорини эслатади. Улар маҳ-



сув равишда ишланганидан сўнг маълум вақт ўтгач, кристаллар ҳосил бўлади. Ана шу кристаллардан ваниль олинади.

Мексика индеецлари европаликлар бу ерларга қадим босмасдан анча илгари ванилин қакао таёрлашда иш-

тишарди. Кейинчалик у Европада кенг тарқалди. Ҳозир эса бутун жаҳонда ваниль мороженое тайёрлашда энг кўп ишлатилади. Мадагаскар оролида ваниль плантациялари кўп бўлиб, унинг гуллари кўл билан чангладилади, чунки бу ерларда қоллири қуши йўқ.

КЎП ДАРДГА ДАВО

Қадимдан медаллар пиезининг шифобахш хосиятларига кўп умид боғлаб, уни хилма-хил касалликларни даволашда қўллаб келганлар. Бунинг эндиликда замонавий медицина ҳам ишбобламоқда.

Хатто пиезининг иси ҳам қад-

димтиллар ҳисоблагандек, кишини даволар оқан. Ипез ўздан маҳсул учиб турувчи моддалар-фитонцидлар чиқаради, улар зарарли бактериялар ҳамда микробгазилмаларни даф қилади. Ипезнинг пўстини айтмайсанми? У жуда йўққа бўлишга қарамай, бутун қиш давомида пиезин асраб туради, яъни унда химия воситаси кўчлар. Шу босилан ҳам бир вақтлар европалар ишчиларни найза ва қилчидан сақлашни ниятида чўнтакларига пиезини солиб юрар эканлар. «Ипез — ҳамма дардга даво», деган матал ҳам тўқилган. Қадимги астроломлар эса пиездан оламнинг тузилишини тушунтиришда фойдаланганлар. Чиндан ҳам пиез пўстлари бирма-бир ажратиб олиниб, ўртаси кесилса, гўё Ер атрофида турли сфералар бўйлаб айланаётган қуёш, ой, йўлдузлар ҳаракати схемасини кўриш мумкин.

АХБОРОТ Спорт

ҚИЗГИН БАҲС

Аёл шахматчиларнинг Тошкентда ўтаётган халқаро турнири қизиқ тушмоқда. Ҳозирча тошкентлик шахматчи Алла Мкртчян беш иккиониядан тўрт очко билан турнир пешқадами бўлиб турибди. Иккинчи ўринда эса Польша вакили халқаро классдаги спорт мастери Ханна Эринска келмоқда.

Москвалик халқаро спорт мастери Татьяна Затуловская биринчи марта мағлубиятга учради. У Қозғистон ССРининг бир неча бор чемпиони бўлган Алла Муслимовага ютқазиб қўйди. Кеча турнирда олтинчи партия ўйналди.

УНВОН МУБОРАК

Классик кураш бўйича СССР абсолют чемпиони номини олш учун 24 спортчи Қаунас шаҳрида ўзаро беллашди. Биринчи давра мусобақаларидан сўнг 11 киши муваффақиятсизликка учраб, узрашувдан чиқиб кетди. Аниқ Белоруссия полвони Анатолий Зеллико ва бошқаларнинг сўнгги дақиқаларига юксак маҳорат кўрсатиб ўйнади. У ҳал қилувчи беллашувда Европа чемпиони грузиялик полвон Шота Мор-

чиладзе билан учрашиб, очколар бўйича гўлиб чиқди.

СОВРИНДОР КОМАНДА

Футбол масуни бошида «Человек и закон» журнали редакцисини энг кам оғохлантириш ва жарина олган олий лига командалари учун маҳсул соврин таъсис этган эди. Бу соврин «Черноморск» командасига насиб бўлди. Денгизчи футболчилар чемпионат давомида судьялар томонидан аттиг тўрт марта оғохлантириш олган эди.

САФАРДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ереваннинг «Арарат» командаси Сан-Франциско шаҳрида Мексиканинг энг кучли «Толука» командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказиб, 6:2 ҳисобида гўлиб чиқди. Лос-Анжелесда Мексиканинг «Халиско» командаси билан бўлган учрашув эса 1:0 ҳисобида якунланди.

«Черноморск» футболчилари эса Судан бўйлаб сафарларини якунладилар. Сўнгги учрашувда улар Шинжон Хартум клубларидан тузилган терма команда билан мусобақаланиб, 4:1 ҳисобида муваффақият қозондилар.



Тошкентдаги Куйбишев район Максим Горький номли ўқувчилар кутубхонаси доим ўқувчилар билан гавжум бўлади. Бу ерда улар учун қизилар суҳбатлар, конференциялар ўтказилиб турилади. Суратда: район ўқувчилар кутубхонасининг ўқув залида.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-деҳқон муҳбирлари университетини тинловчиларининг навбатдаги машғулути 13 декабрь, жума кўни ўтказилади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 13 декабрда чиқади.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

10 декабрь эрталаб Тошкентда уч бал куч билан ер силкинди. «Тошкент» сейсмик станциясидан маълум қилишларича, zilzilaning маркази Ўзбекистон пойтахтидан 505 километр нарида, Афғонистон территориясида бўлган. Зилзила манбаи жуда чуқур бўлганили сабабли эпицентрда ҳам қимирлаш сўст бўлди. (ЎЗАҒ).

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ВА Эълонлар

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛ

Ш. ТАМКИН асари,
С. ХАЙИТБОВ музикаси.

ТУРКМАН ҚИЗИ

2 парда: 4 кўринишли музикали драма
РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хўзмет кўрсатган артист А. Г. РАҲИМОВ.
Рассом — В. СТОРОЖЕВ.
Дирижер — З. ТОШМАТОВ.
Концертмейстер — А. В. МАЛИНА.
СПЕКТАКЛДА: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: С. ХУҲАЕВ, М. ЮНУСОВ, Т. ЖАҲҲАРОВА, Э. ЖАЛИЛОВА; Ўзбекистон ССРда хўзмет кўрсатган артистлар: А. АБДУРАҲМОНОВ, А. ЮСУПОВ, А. МИРЗАЕВА ва бошқалар қатнашадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 декабрь, чоршанба
БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — Москва, 18.35 — Тошкент, 18.45 — Музфильм. 19.00 — Оталаримиз жасорати. 19.30 — Миллионлар пиезини кўрсатиши. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ёзувчи ва замон. 20.30 — Ёш минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Лиринг концерт. 22.00 — Москва. Вақт. 22.30 — Фигуралли учин бўйича халқаро мусобақа, ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — Тошкент. 11.55 — Юлқа мўз устида (бадиий фильмнинг 1-серияси). 18.35 — Москва, 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Рассомларда қуёш акси бор. 19.30 — Москва ва москваликлар. 20.00 — Жавоҳир мўз (бадиий фильм). 21.35 — «Ғам» ансамбли кўчалари. 22.00 — Тошкент. Ёшлар икки. 22.30 — Мархаб, таълиқлари Самарқанд област ҳалқаскорларининг қишқи. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент. 19.40 — Филм-концерт. 20.10 — Тошкент янгиликлари. 20.25 — Беш йиллик маршурталари бўйлаб. 20.35 — Олдий одам (бадиий фильм).

12 декабрь, пайшанба

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — Москва, 18.20 — Тошкент, 18.30 — Ёшлар учун кўрсатуви. 19.10 — Рус тили. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Миллионлар ливича университети (Москва). 20.30 — Ёш минут

музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Концерт. 22.00 — Москва. Вақт. 22.30 — Хонейк СССР — Швеция. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — Тошкент. Ёзув кўрсатуви. 13.00 — Юлқа мўз устида (бадиий фильмнинг 2-серияси). 18.20 — Москва, 18.35 — Ёшлар учун кўрсатуви. 19.35 — Янгиликлар. 19.45 — Тошкент ва жавоблар. 20.00 — «Ёшлар» студияси кўрсатиши (Тошкент). 20.30 — Жаҳон халқлари икки. 22.00 — Тошкент, учинчи ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент. 19.40 — Утими билан учрашув (бадиий фильм). 21.25 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Фильм-концерт.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК ПАТТА ТЕАТРИДА — 11[Х] да Қорсар, 12[Х] да Тўрабадур, 13[Х] да Ойқуш қўли, 14[Х] да Қароқчилик, 15[Х] да Қорсар.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11. 12[Х] да Қароқчилик, 13[Х] да Қорсар, 14[Х] да Қароқчилик, 15[Х] да Қорсар. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11. 12[Х] да Ташвишланман, онажон (16.00), 13. 14[Х] да Нон, қон, инсон (15.00).